

Гулбаев Неъматулла Абдукаримович
Тошкент давлат аграр университетини доценти
Мамиров Мансуржон
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

Аннотация: Мақолада умумий ўрта таълим муассасаларини бошқаришда қабул қилинадиган қарорлар ва буйруқлар алоҳида ўринга эга эканлиги таҳлил қилинган. Бошқарув нуқтаи назаридан, бу тизимнинг фаолиятини бошқарув элементлари асосида самарадолигини ошириш ва бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари таклиф этилган.

Калит сўзлар: қарор, модель, тармоқ, мактаб, бошқарув, объект, тизим.

Gulbaev Nematulla Abdulkarimovich
Associate Professor of Tashkent State Agrarian University
Mamirov Mansurjan
State Institute of Art and Culture of Uzbekistan

REGARDING THE MANAGEMENT OF THE GENERAL SECONDARY EDUCATION INSTITUTIONS SYSTEM

Abstract: The article analyzes the importance of decisions and orders in the management of educational institutions. From a management point of view, socio-psychological methods have been proposed to increase the efficiency of this system.

Key words: decision, model, network, school, management, object, system.

Республикамизда умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомнинг умумий қоидаларида қуйидагилар алоҳида таъкидланган, яъни "Умумтаълим муассасалари

ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, ушбу Низомга, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек ўз уставларига амал қилади; Умумтаълим муассасаси юридик шахс ҳисобланади ва ўз уставига, мустақил балансига, шахсий ғазна ҳисобварақларига (давлат таълим муассасалари учун), банк ҳисоб рақамларига, ўз номи кўрсатилган муҳрга (давлат умумтаълим муассасаларининг муҳрида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилади), штампга ва бланкаларга эга бўлади”.

Шунингдек, Умумий ўрта таълимни бошқариш бандида: “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган орган ҳисобланади; Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимини Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, халқ таълими бошқарув органлари ҳамда бошқа ташкилотлар ташкил этади; Умумтаълим муассасасига бевосита раҳбарлик тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари билан келишилган ҳолда ҳудудий халқ таълими бошқармалари томонидан тайинланган директор томонидан амалга оширилади” деб белгилаб берилган.

Ҳозирги кунда Русбубликамиздага барча умумий ўрта таълим муассасалари тизим шу Низом асосида фаолият олиб бормоқда.

Таълим тизимидаги раҳбарлар ва ўқитувчилар ҳаётида таълим-тарбия, ахлоқий-этик меъёрлар, маданий ва маънавий қадриятлар, умумтаълим мактаби педагогик коллективи орасидаги муносабатлар муҳим ўрин тутди. Педагогларнинг мақсадга йўналтирилган ижтимоий қарашлари, ҳаёт тарзи ва урф-одатлари унинг камолотга етиши ҳамда ижтимоий фаоллигини оширишга жиддий таъсир кўрсатади.

Умумий ўрта таълим муассасаларини бошқаришда қабул қилинган қарорлар ва буйруқлар алоҳида ўринга эга бўлиб, бошқаришнинг муҳим элемент

ҳисобланади. Ҳар қандай қарор ва буйруқлар бажарилишида у ёки бу даражадаги омиллар унинг бажарилишига тўсиқ бўлади.

Қарорлар ва буйруқларга таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва уни баратараф этиш йўллари таълим тизимида ҳозирги куннинг долзарб масалалардан биридир.

Ушбу муаммони ҳал қилишда, албатта фан ва техник эришган ютуқлардан фойдаланиш, масалан бошқарувнинг ижтимоий-психологик усулларидан фойдаланиш анчагина самара беради.

Ҳар қандай мактабни, у йирик ёки кичик мактаб бўлсин, бошқариш зарур. Мактабни бошқариш меҳнатнинг ижтимоий хусусиятларидан келиб чиқади. Бошқариш алоҳида меҳнат фаолияти сифатида меҳнат тақсмоти, кооперацияси ва дарс машғулотлар кўламининг кенгайиши натижасида юзага келган. Бу жараён бошқарув субъектининг муайян бир натижага эришиш мақсадида бошқарув объектларига мақсадли таъсир ўтказиш билан боғлиқ фаолиятни акс эттиради.

Бошқарув субъекти сифатида туман, вилоят халқ таълимини бошқарувчи ваколоти ва таъсирга эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар тушунилади.

Субъектнинг раҳбарлик ваколатлари, таъсир ўтказишнинг тарбиявий ва маънавий-ахлоқий дастаклари бошқарув фаолиятининг асосларини ташкил этади. Бошқарув объекти туман ва вилоят халқ таълимини бошқарувчи орган таъсири йўналтирилган жисмоний ва юридик шахслардан ҳамда ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва жараёнлардан ташкил топади.

Умумий ўрта таълим муассасалари бошқарув қарорларини қабул қилиш куйидаги услубларга асосланган ҳолда амалга оширилади[1]:

- муаммони қўйиш;
- муаммони ҳал қилиш;
- қарорни танлаш;
- қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлаш.

Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усулларини таълим тизимида қўллаш мактабда юз бераётган ижтимоий ходисаларни чуқур ўрганиш ва педагоглар кайфиятига таъсир этувчи психологик (руҳий) омилларни билишни талаб этади. Масалан, меҳнат психологияси педагогларнинг шахсий хусусиятлари ва

кобилиятларини, ўқувчиларни ўқитиш усулларини, иш ва дам олиш тартибини, иқтидорли ўқувчиларни танлаш ва баҳолаш усулларини, ўқув жараёнининг психологик жиҳатларини ўрганеди. Бошқарувнинг психологик усуллари педагогик жамоада мақбул психологик ҳолат ташкил этиш йўли билан педагоглар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Қарор омиллари (параметрлари) муаммоли вазият ва унинг мумкин бўлган ечимлари баҳоланадиган кўрсаткичлардир. Умум таълим мактабларида қабул қилинадиган қарорларга таъсир этувчиларини бошқариладиган ва бошқарилмайдиган турларга ажратишимиз мумкин.

Бошқариладиган омиллар - қарор қабул қилувчи раҳбар назоратида бўлиб, уларнинг қийматлари муаммо ечими жараёнида аниқланиши мумкин. • масалан: мактаб ўқув хоналари, ходимлар сони, индикаторлар сони ва б.

Бошқарилмайдиган омиллар - раҳбар қарорига боғлиқ бўлмайди, яъни раҳбар бу омиллар қийматини ўзгартира олмайди, фақат уларнинг таъсирини эътиборга олиши зарур. • масалан: масофа, қўшимча топшириқ, саломатлик, рақобатчи муассасалар ва б.

Қарор қабул қилувчи шахснинг омиллар қиймати ҳақида огоҳлигига қараб омиллар қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин[2]:

Аниқ омиллар (детерминистик) - аниқ қийматлари маълум бўлган омиллар.

Тасодикий омиллар (стохастик) - аниқ қийматлари номаълум, лекин қабул қила оладиган қийматлари ва уларнинг эҳтимоли маълум омиллар

Ноаниқ омиллар - аниқ қиймати ҳам, қабул қилиши мумкин бўлган қийматлари ҳам номаълум омиллар.

Омиллар	Аниқ	Тасодикий	Ноаниқ
Ички	Мактаб ўқув юкламалари хажми, битирувчи сони	Синфдаги ўқувчиларнинг қониқарсиз баҳолилар фоизи	Ўқувчилар бетоблиги, турли бахтсиз ҳодисаларга учраши
Ташқи	Мактабнинг аттестация, аккредитациядан ўтиши	Битирувчиларнинг ўқишга кириши.	Мактабнинг табиий офатларга учраши

Умум таълим мактаблари раҳбарлари ва педагогларининг қарорлар қабул қилишдаги ёндашувларини қуйидагича классификациялаш мумкин.

Интуитив ёндашув: Бирор бир таҳлил ўтказмай, ички бир туртки асосида қарор қабул қилиш (кам ўрганилган).

Мантиқий ёндашув: Тажриба ва содда мантиққа асосланиб қарор қабул қилиш (кўп вақт талаб этмайди, аммо консерватив усул ҳисобланади)

Рационал ёндашув: Чуқур ва ҳар томонлама аналитик таҳлилга асосланган қарор қабул қилиш (энг қиммат усул бўлса ҳам - энг сифатли қарорлар).

Юқорида зикр этилган фикларни умумлаштирсак умумий ўрта таълим муассасалари тизимини бошқариш мураккаб бир жараён яъни тизим эканлиги маълум бўлади. Бу тизимни мақбул бошқариш учун янада кўпроқ изланишлар ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш лозимлиги, замон талаби эканлигини унутмаслигимизга чорлайди.

Адабиётлар

1. Пайзиев Э.П., Гулбаев Н.А. «Адаптивная система идентификации предприятий электрических сетей (АСУ ПЭС) – Труды института энергосетьпроект. М. 1980.

2. Абдураимов Ж.Ғ., Уббиниязов М.И., Гулбаев Н.А. “Ўқитувчиларнинг электрон таълим ресурслари ва платформалари учун ёрдамчи материаллар”. Монография. Тошкент.2023.